



**AN ANALYSIS OF NORMATIVE-LEGAL ACTS
REGULATING MIGRATION AND CITIZENSHIP
FORMALIZATION ACTIVITIES OF INTERNAL AFFAIRS
BODIES**

Nuriddin Abdullayev

Independent Researcher, Criminology Research Institute of the
Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18886168>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2026

Accepted: 04th March 2026

Online: 05th March 2026

KEYWORDS

Migration, citizenship,
internal affairs bodies,
normative-legal acts,
migration policy, citizenship
formalization, legal
regulation, public
administration, migration
processes, legislation.

ABSTRACT

This article analyzes the normative-legal acts that regulate migration and citizenship formalization activities carried out by internal affairs bodies. It also examines the management of migration processes in the Republic of Uzbekistan, the procedures for acquiring and losing citizenship, the legal frameworks in this field, and their practical application. The article highlights the significance of existing legislative norms, their place in the activities of internal affairs bodies, and their role in regulating legal relations within the sphere of migration. Furthermore, it presents several proposals and conclusions aimed at improving the legal mechanisms in this area.

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МИГРАЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИКНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Нуриддин Абдуллаев

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил
изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18886168>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2026

Accepted: 04th March 2026

Online: 05th March 2026

KEYWORDS

Миграция, фуқаролик, ички
ишлар органлари,
норматив-ҳуқуқий
ҳужжатлар, миграция
сиёсати, фуқароликни
расмийлаштириш, ҳуқуқий
тартибга солиш, давлат
бошқаруви, миграция
жараёнлари, қонунчилик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини бошқариш, фуқароликни олиш ва йўқотиш тартиби, шу соҳадаги ҳуқуқий асослар ва уларнинг амалиётда қўлланилиши ўрганилган. Мақолада мавжуд қонунчилик нормаларининг аҳамияти, уларнинг ички ишлар органлари фаолиятидаги ўрни ҳамда миграция соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги роли ёритилган. Шу билан бирга, мазкур соҳадаги



хуқуқий механизмларни такомиллаштиришга оид айрим таклиф ва хулосалар келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнларини назорат қилиш, фуқароликга оид масаларни ҳал қилиш ва паспорт тизимини таъминлаш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик даврида миграция жараёнларини тартибга солиш масалалари долзарб вазифа этиб белгиланди. Бу жараёнлар биринчидан, мамлакатимизда ўтиш даври билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, чегараларнинг очилиши натижасида аҳоли миграциясининг кучайиши, иккинчидан, меҳнат миграциясининг кескин ортиб бориши натижасида криминоген вазиятнинг оғирлашуви яъни трансчегаравий жиноятларнинг кўпайиб бориши билан боғлиқ бўлган.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятининг ҳуқуқий асослари тизимида умум эътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ва

идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидаги тўртта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – умум эътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг бошқа чет давлатлар билан фуқаролик ва миграция масаласига доир тузган ҳалқаро битимлари ва келишувлари;

Иккинчи гуруҳ – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари;

Учинчи гуруҳ – Ўзбекистон Республикаси Президентнинг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

Тўртинчи гуруҳ – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Шуни таъкидлаш лозимки, миллий қонунчиликни қўллаш амалиёти ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ҳамда нормаларининг устуворлиги принципига таянади. Чунончи, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (13-модда)¹ ва Фуқаролик ва сиёсий

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) 1948 й. 10 дек.



хуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактда (12-модда)² ҳар бир инсоннинг ўз мамлакати ва унинг ташқарисида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқлари кафолатланган. Зеро, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

БМТ низоми нормаларига³ мувофиқ миллатлар ўртасида тинчлик ва дўстона муносабатлар учун зарур барқарорлик шартлари бўлган ижтимоий ва сиёсий ҳамкорлик масалалари юзасидан қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Бу борада Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва позициясини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси фаол амалга оширилмоқда⁴. Бунда миграция жараёнларини тартибга солиш орқали мамлакат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга қаратилган яқин ва узоқ қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бориш масалалари муҳим концептуал аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида ратификация қилинган халқаро-

хуқуқий ҳужжатларнинг ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятидаги аҳамияти шахснинг эркин ҳаракатланиши ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиши билан бирга ноқонуний миграцияга қарши курашишга доир стандартлар асосида халқаро ҳамкорлик масалаларида намоён бўлади⁵.

Шахснинг эркин ҳаракатланиши, иммигрант ва эмигрантлар учун мақбул яшаш шароитини яратиш ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳасида халқаро стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб бугунги кунда амалиётда қўлланилмоқда. Бу эса миграция соҳасидаги халқаро ҳамкорлик аввало мигрантларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига уйғун тарзда уларнинг хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш кафолатини бермоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 217 А (III)-резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси⁶ бўлиб, ҳужжатга асосан ҳар кимнинг фуқароликка эга бўлиши, шунингдек ҳеч кимнинг ўзбошимчалик билан фуқаролик ёки уни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин

² Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. БМТ Бош Ассамблеяси., 1966 й. 16 дек.,

³ Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми – 55 м.) 2002. – Б.33.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б.16.

⁵ Батафсил маълумот учун қаранг: *Egamberdiyev B.I. Theoretical basis of migration regulation // Science and world. International scientific journal, № 2 (78), 2020, Vol. I. (ISSN 2308-4804). – P.66-70. Impact factor of the journal «Science and world» – 0.325 (Global Impact Factor 2013, Australia).*

⁶ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳужжатлар тўплами: Ўқув қўлланма / – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2013. – 188 б.



эмаслиги (15-модда) ва ўзи истаган давлат худудида эркин ҳаракатланиши, яшаш жойини танлаши (13-моддаси 1-қисми) ва уни тарк этиш ҳуқуқига (13-моддаси 2-қисми) эга эканлиги халқаро ҳуқуқий даражада кафолатланган;

БМТ Бош Ассамблеясининг 2200 А (XXI)-резолүцияси билан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти⁷ унга кўра қонуний равишда бўлган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш (12-моддаси 1-қисми), ҳар бир киши ҳар қандай мамлакатни, жумладан ўз мамлакатини тарк этиши (12-моддаси 2-қисми), шахсинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларига ҳеч қандай чеклашлар объект бўлиши мумкин эмаслиги (12-моддаси 3-қисми), ҳамда ҳеч ким ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкинлиги (12-моддаси 4-қисми) кафолатланган.

Миграция соҳасида Ўзбекистон Республикаси томонидан бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ратификация қилиниши фуқароларимизнинг бутун дунё бўйлаб эркин ҳаракатланишга оид ҳуқуқларининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго Конвенциясига Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 3 июлда

қўшилган ҳамда 1992 йил 12 ноябрдан бошлаб, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)нинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган.

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолүцияси)га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилди;

Конвенция талабларини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4117-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасида биометрик паспорт тизимига ўтиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йил 28 июндаги 29-сон резолүцияси билан қабул қилинган “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция”ги Конвенция⁸ (1997 йил 30 августда Ўзбекистон ратификация қилган) ҳамда 1957 йил 25 июндаги 105-сон

⁷ Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: Тўплам. – Т.: “Адолат”, 2002. – Б.59.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат

тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида” 1997 йил 30 августдаги 492-І-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1997. — № 9. — 248-м.



резолуцияси билан қабул қилинган “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги”ги Конвенцияси⁹ (1997 йил 30 августда Ўзбекистон ратификация қилган) нормалари зўраки ёки мажбурий меҳнатни тугатиш орқали меҳнат мигрантларини дискриминацияга дуч келиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолуцияси билан қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшимча одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси ҳақида огоҳлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённома (2008 йил 28 июнда Ўзбекистон ратификация қилган)¹⁰

Халқаро миграция ташкилотининг (1953 йил 19 октябрь) Конституциясида¹¹ (2018 йил 26 декабрда Ўзбекистон ратификация қилган) шахсининг эркин ҳаракатланиши, миграция хизматини кўрсатиш (йиғим, танлов, миграцияга тайёрлаш, тил ўргатиш, мигрантларга ахборот бериш, тиббий кўриқдан

ўтказиш ва бошқалар) ҳамда мигрантлар ҳуқуқини таъминлашда халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишнинг асосий мақсад ва вазибалари (1-м. 1-3-қ.) халқаро ҳуқуқий даражада кафолатланган.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги (1989 йил 20 ноябрь) конвенция¹² вояга етмаганларнинг фуқароликка доир табиий ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат айниқса, фуқаросизликни камайтиришга қаратилган халқаро ҳуқуқ меъёрларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг кафолати билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда аҳамиятлидир. Жумладан, унинг 7-моддасида боланинг туғилган вақтдан бошлаб фуқаролик олиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлатлар эса, бу борадаги ўз мажбуриятларини бажаришлари шартлиги қайд этилган¹³.

Мамлакатимизда 2018 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан Халқаро миграция ташкилоти Конституцияси ратификация қилинди, бу *биринчидан*, ташкилот олий Кенгашида қарор қабул

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида” 1997 йил 30 августдаги 498-І-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1997. — № 9. — 254-м.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июлдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008. — № 28. — 262-м.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссел, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий баъзаси, 27.12.2018 й., 03/18/510/2375-сон.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги 757-ХП-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. — 1993. — 1. — 41-м.

¹³ Конвенция “О правах ребенка” от 20 ноября 1989 года (принята резолюцией 44/25 Генеральной Ассамблеи ООН) // <https://lex.uz/docs/2595909> (мурожаат вақти: 28.07.2020).



қилишда овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш; *иккинчидан*, миграция жараёнларини тартибга солишга доир лойиҳаларга таклифлар киритиш; *учинчидан*, халқаро миграция билан боғлиқ дастурлар учун молиявий ёрдам олиш; *тўртинчидан*, ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш имконини беради¹⁴.

Миграция жараёнлари тартибга солувчи яна бир минтақавий ҳужжатлар (меморандум, битим ва шартнома) – бир қатор манфаатли давлатларнинг ривожланиш даражаси, анъаналаридан келиб чиқадиган хусусиятларга эга бўлиб¹⁵, бугунги кунда улар ҳам миграция жараёнларини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга¹⁶.

Таҳлил этилаётган гуруҳдаги ҳужжатлар қаторига қуйидаги минтақавий ҳужжатлар (меморандум, битим ва шартнома)ни киритиш мумкин:

Кўчишга мажбур бўлганлар ва қочоқларга ёрдам бериш тўғрисидаги битим (Москва, 1993 йил 24 сентябрь)га қўшилган давлатларга қочоқ ёки мажбурий муҳожир сифатида тан олинган шахсларнинг мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиши (4-моддаси) ва меҳнат қилиши (5-моддаси) учун етарлича шароит яратиб бериш,

уларни шахсни тасдиқловчи билан таъминлаш (6-моддаси) мажбурияти юклатилган;

Меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим (Москва, 1994 йил 15 апрель)¹⁷ – уни ратификация қилган давлатлар зиммасига меҳнат мигрантларининг ижтимоий таъминотини кафолатлаш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, битим билан бир давлат ҳудудида доимий яшаб, иккинчиси ҳудудида меҳнат қилаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тартибга солинган (1-моддаси 1-қисми);

Ноқонуний миграцияга қарши курашда МДҲга аъзо давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги битим (Москва, 1998 йил 6 март) халқаро ҳуқуқ нормалари асосланган ҳолда, ноқонуний миграциянинг ижтимоий ва миллий хавфсизликка, иқтисодий барқарорликка таҳдид солиб томонларга таҳдид солишини олдини олиш, ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш орқали миграция жараёнларини тартибга солиш мақсадида томонлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашни

¹⁴ *Ходжаева М.И.* Халқаро миграция ташкилоти конституцияси ратификация қилинди: бу нимани англатади? // Депутат фикри: <http://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/24561/> (мурожаат вақти: 25.05.2019).

¹⁵ Халқаро ҳуқуқ: Маърузалар курси / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А.Х.Саидов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 299 б.

¹⁶ *Юлдашев Дж.Х.* Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари: Юрид.фан.бўйича фалс. док (PhD). ...док. дис. кўлөзма ҳук. Т.: ИИВ Академияси, 2019. – Б. 221.

¹⁷ Международно-правовые основы борьбы с незаконной миграцией и торговлей людьми // Сборник документов / Составитель В.С. Овчинский. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 300 с.



назарда тутиб имзоланган ҳужжатдир¹⁸.

Шу билан бирга томонлар ҳамкорлигида миграция назорати, ноқонуний миграция ҳисоби ҳамда ноқонуний мигрантларни депортация қилиш механизмини ишлаб чиқиши белгиланган;

МДХга аъзо давлатларнинг ноқонуний миграцияга қарши курашда ҳамкорлиги тўғрисидаги Концепцияси (Москва, 2004 йил 16 сентябрь) ноқонуний миграцияга қарши курашиш орқали МДХга аъзо давлатлар худудига кириш, ундан чиқиш, транзит ва МДХга аъзо давлатлар фуқаролари, учинчи давлатлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ва муайян худудлар доирасида ноқонуний миграцияни олдини олишнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Қолаверса, мазкур минтақавий ҳужжатда ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича МДХга аъзо давлатларнинг ваколатли органлари ҳамкорлигининг асосий принциплари (1-боб, 1-қисми), миграциянинг назарий асослари (2-боб 1-қисми: аҳоли миграцияси, мигрант, ноқонуний миграция, ноқонуний мигрант, миграция шароити ва миграция назорати), миграция ҳолатини баҳолаш (3-боб), томонлар ҳамкорлигининг мақсад ва вазифалари (4-боб), ҳамкорлик

йўналишлари (5-боб), ҳамкорлик шакллари (6-боб), ҳамкорликни ахборот ва илмий таҳминлаш (7-боб), ҳамкорликни моддий техник ва молиявий таъминлаш (8-боб) ва канцепцияни амалга ошириш механизмлари (9-боб) назарда тутилган¹⁹;

МДХ аъзо давлатларнинг келишилган чегара сиёсати концепцияси тўғрисидаги қўшма қарори (Қозон, 2005 йил 26 август) асосан томонлар миграция оқимини тартибга солиш чора-тадбирларини (концепция: 2-боб 3-қисми) ва терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик ва ноқонуний миграцияга биргаликда қарши курашишда (2-боб 3-қисми) ҳамкорлиги назарда тутилган²⁰.

МДХ аъзо давлатларнинг миграция ташкилотлари кенгаши бошлиқларининг таълими тўғрисидаги битим (Душанбе, 2007 йил 5 октябрь) билан тасдиқланган “МДХ аъзо давлатлар миграция органлари раҳбарлари Кенгаши тўғрисида”и Низомга (2-моддаси 1-қисми) кўра МДХга аъзо давлатларнинг миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилайди

¹⁸ О сотрудничестве государств-участников Содружества Независимых Государств в борьбе с незаконной миграцией, Соглашение // http://moscow.iom.int/russian/Legislation/CIS/Illegal_Migration_ru.pdf. (время действия: 28.05.2019).

¹⁹ МДХга аъзо давлатларнинг ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлиги

тўғрисидаги Концепцияси (Минск, 2004 йил 16 сентябрь) // <http://www.cis.minsk.by/page.php?id=428> (мурожаат вақти: 28.05.2019).

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 март ПҚ-306-сон “Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. // www.lex.uz/docs/973791. (мурожаат вақти: 28.05.2019).



(Ўзбекистон учун 2011 йил 1 августда кучга кирган)²¹.

МДХ аъзо давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ахборот алмашиш тўғрисидаги битимга (Астана, 2009 йил 22 май) асосан жиноятларни олдини олиш, аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш мақсадида (1-моддаси 1-қисми) тақдим етиладиган ахборотлар рўйхатига (рўйхатнинг 1.5.7-банди) асосан ноқонуний миграция каналларини ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлар манфатли томонларга тақдим этади²²;

ШХТ аъзо давлатлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимга (Тошкент, 2010 йил 11 июнь) кўра ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш (1-м. 1-қ. 14-банд) томонлар ҳамкорлигининг асосий йўналиши сифатида белгиланди²³.

Икки томонлама тузилган ҳужжатлар – икки манфаати давлатлар ўртасида аниқ муаммони ечимини ҳал қилиш мақсадини кўзлаб ўзаро шекрикчилик асосида имзоланади. Миграцияни тартибга солишни назарда тутувчи ушбу гуруҳдаги ҳужжатлар мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётида Италия, Ҳиндистон, Миср, Хитой, Франция, БАА, Чехия, Польша, Болгария,

Туркия, Покистон, Саудия Арабистон, Қатар ва Жанубий Корея каби хорижий давлатлар, Грузия, Беларусия, Озарбайжон ва Россия каби МДХга аъзо давлатлар ҳамда Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Қозоғистон кўшни давлатлар билан икки томонлама ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон Республикасига келиши ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эгадир. Агар фуқаронинг эркин ҳаракатланишига монелик қилувчи асослар бўлса, унинг мазкур ҳаракатлари муайян вақт мобайнида чекланиши мумкин.

Бугунги кунда кўриш мумикини шахсининг эркин ҳаракатланишини таъминлашни назарда тутиб, уларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қуватлаш, айниқса ноқонуний миграция билан боғлиқ одам савдоси, терроризм ва экстремизм каби трансчегаравий жиноятларнинг қурбони бўлишини олдини олишга қаратилган бир қатор миллий ва халқаро қонун ҳужжатлари қабул (ратификация) қилинган.

Миграция жараёнларини ва фуқароликни расмийлаштиришни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 июндаги ПҚ-1586-сонли қарори билан тасдиқланган. // lex.uz/docs/2754701?type=doc. (мурожаат вақти: 27.05.2019).

²² Настоящее Соглашение утверждено постановлением Президента Республики Узбекистан от 24 марта 2011 года № ПП-1508 «Об утверждении международного договора».

<http://www.lex.uz/ru/docs/1935583?otherlang=1>.(время действия: 28.05.2019).

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 декабрдаги ПҚ-1670-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. lex.uz/docs/2229168. (мурожаат вақти: 28.05.2019).



қилган илк қонунлардан бири Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик, фуқароларнинг чет элда давлат томонидан ҳимоя қилиниши, фуқарони чет давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги, мамлакат фуқаролигини олиш, тўхтатиш, йўқотиш, фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритишда ички ишлар органларининг ваколатлари, шунингдек фуқаролик масалаларига оид қарорлар ижросини ташкил этиши билан боғлиқ фаолият тартибга солинган²⁴.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 12 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш фаолиятини тартибга солиди²⁵. Қонун нормаларига кўра террорчилик билан шуғулланувчи шахслар террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун ноқонуний миграция асосида хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали

ҳаракатланиши мумкин. Шу боис, қонун узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган ва қайтиб келган шахсларнинг террорчилик фаолияти билан шуғлланишини олдини олиш, юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ўтказишни юклайди³.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-633-сон қонунида одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш, жумладан мазкур фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, ушбу соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш ҳуқуқий тартибга солинган²⁶. Қонуннинг миграция жараёнларини тартибга солишга доир жиҳати, шахс ишончини суистеъмол қилиш, алдаш орқали чет элга ноқонуний олиб чиқиб шахвоний ва бошқа мақсадларда эксплуатация қилишда номоён бўлади²⁷.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш орқали меҳнат миграциясини тартибга солиш мақсадида “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги (2018 йил

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2001. – №1-2. – 15-м.;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 173-м.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни // “Халқ сўзи” газетаси, 2008 й. 18 апр, №77-(4487).

²⁷ Базаров Ф.А. Одам савдосига қарши курашишнинг миграция билан боғлиқ айрим масалалари. ИИБ Академиясининг ахборотномаси, – 2016. – № 2. – Б. 39.



16 октябрь) қонуннинг қабул қилиниши ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконини берди²⁸. Қонуннинг ички ишлар органлари фаолиятидаги аҳамиятли жиҳати шундаки, ички ва ташқи меҳнат миграциясини қонуний асосларда ташкил этиш бўйича хусусий бандлик агентликларига давлат органлари хусусан, ички ишлар органлари томонидан узоқ муддат давомида хорижда бўлиб қайтиб келган ҳамда ишлаш мақсадида хорижга кетмоқчи бўлиб иш қидираётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш орқали меҳнат миграциясини қонуний асосларда ташкил этиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Туризм тўғрисида”ги (2019 йил 18 июль) қонуннинг қабул қилиниши ички ишлар органлари зиммасига сайёҳларнинг дам олиш, эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш орқали хавфсиз туризмни таъминлашга доир янги вазибалар юклатилди²⁹. Бу эса, ички ишлар органларининг туристларни қонунга хилоф миграциясига қарши курашишни

таъминлаш юзасидан зарур чоратadbирлар ишлаб чиқиш бўйича давлат органлари билан ҳаморлигини самарали кафолатлашга хизмат қилмоқда.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги (2016 йил 16 сентябрь) қонунининг қабул қилиниши ИИОнинг ўта масъулиятли, серқирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятлар бартараф этилди³⁰. Бу эса, ИИОнинг миграция билан боғлиқ фаолият йўналиши (4-модда), мажбуриятлари (16-модда) ва ҳуқуқлари (17-модда)ни қонун билан кафолатлаш орқали мазкур йўналишдаги ислохотларнинг мазмунан янги босқичини бошлаб берди³¹.

Шу билан бирга “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги (20.08.1999 й.), “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги (14.09.2011 й.), “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги (25.12.2012 й.), “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (14.05.2014 й.), “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги (30.07.2018

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрдаги “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонуни // Манба: ҚХММБ, 17.10.2018 й., 03/18/501/2056-сон.

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июндаги “Туризм тўғрисида”ги қонуни // Манба: ҚХММБ, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон.

³⁰ *Исмаилов И.* Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари // “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги

қонуннинг қабул қилиниши – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2017 йил 16 март). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б-18.

³¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, – 2016. – № 38. – 438-м.



й.), “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги (16.10.2018 й.) қонун нормаларида миграция жараёни билан боғлиқ айрим ижтимоий муносабатлар тартибга солинган.

Бундан ташқари, қонуннинг ушбу нормасида фаолият йўналиши сифатида белгиланган паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, доимий ва вақтинча яшаш учун рухсатномаларни бериш ҳамда расмийлаштириш масалалари миграцияни тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқаролик паспортининг жорий этилишига қаратилган ҳаракатларнинг бошланишига сабаб бўлган илк ҳужжат – Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини жорий этиш билан боғлиқ чоратадбирлар тўғрисида” ги 533-сон қарори бўлиб, у билан шу кунга қадар мамлакатда паспорт тизимига доир муносабатларни тартибга солган СССР Министрлар Советининг 1974 йил 28 августдаги 677-сон қарори ўз кучини йўқотган.

Ушбу қарор билан паспорт тизимини бевосита таъминловчи махсус аппаратлар дастлаб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат тартибини сақлаш хизматининг таркибий қисми сифатида “Виза ва рўйхатга олиш бўлими мақоми остида ташкил этилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларда (1992 йилнинг 2-чорагига қадар) Ўзбекистон фуқаролигига мансуб бўлмаган, ўзининг бошқа давлат фуқароси эканлигини исботловчи далилларга эга бўлмаган ҳолда республикада доимий яшаб турган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва уларга яшаш гувоҳномаларини расмийлаштириш тартиби ҳамда миллий механизмлари мавжуд бўлмаган. Натижада мамлакатда паспортларни ўз вақтида ва сифатли тайёрловчи мустақил давлат органи сифатида “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилиб, унга ишлаб чиқариладиган бланкларни ҳисобини юритиш вазифаси юклатилган.

Бир томондан собиқ Иттифоқ парчаланиши натижасида юзага келган иқтисодий тангликни, *иккинчи томондан* эса, амалдаги қонунчиликнинг давр талабларига жавоб бера олмаслиги натижасида ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида паспорт тизими норматив базасига алоҳида эътибор қаратила бошланган.

Давлат раҳбарининг 1994 йил 23 декабрдаги ПФ-1027-сон Фармонида асосан 1995 йилдан бошлаб республикада илк бор миллий паспортлар (“Дилетта” паспорт чоп этиш қурилмалари орқали) расмийлаштириб берила бошланганлиги Ўзбекистон миллий паспорт тизимида туб ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатади. Шу йили 1 июлдан бошлаб, Иттифоқ умумфуқаро ва хизмат паспорти



билан четга чиқиш учун чеклов ўрнатилиб, мамлакатда мазкур тоифадаги хужжатларни расмийлаштириш ишлари тўхтатилган.

Паспорт-виза тартиботларини тартибга солувчи қоидаларидан бири бу – мамлакатда хавфсизлик чораларини кучайтиришга қаратилган, ТИВ томонидан “Аккредитация қилинганлардан ташқари барча хорижий шахсларнинг республикага келгач, ҳудудий ички ишлар органлари ёки уларни қабул қилувчи ташкилот ва муассасалардан рўйхатдан ўтишлари шарт”лигини белгилловчи қоидадир. Ўрнатилган тартибга кўра (ҳукуматнинг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзбекистон республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги қарори билан), хорижий фуқароларни таклиф этган шахсларга уларнинг ўз вақтида пропискадан ўтишлари, бўлиш муддатлари тугагач мамлакатдан чиқиб кетишларини таъминлашлари бўйича мажбуриятлар юклатилиб, талаблар бузилган ҳолларда маъмурий ёки жиноий (такрор содир этилганда) жавобгарлик юзага келиши белгиланган.

Уша даврда давлатнинг паспорт тизимини таъминлаш механизмлари жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

нуқтаи-назаридан давр талабларига тўлиқ мос эмасди. 1999 йил 16 февраль (Тошкент ш.), 1999 йил март (Тошкент вил.), 1999 йил 30 март (Хоразм), 1999 йил 15 ноябрь (Тошкент вил.) воқеалари яққол мисол бўлган³².

Мазкур ислохотлар натижасида ИИВ тизимида 215 та ва ТИВ тизимида (хориждаги консуллик муассасаларида) 40 та биометрик маълумотларни йиғиш пунктлари ташкил этилиб, уларга биометрик хужжатларни тайёрлаш учун шахснинг биометрик ва биографик маълумотларини жамлаш вазифаси юклатилди. Қолаверса, бу борадаги амалий чора-тадбирлар натижасида биометрик хужжатларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва ҳисобини юритиш вазифасини бажарувчи (“Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудудида) *Давлат персоналлаштириш маркази* ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПФ-3126-сонли “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги низоми тасдиқланди. Қарор билан 2018 йил 1 майдан эътиборан биометрик

³² Эгамбердиев Б.И. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятининг

назарий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари: Монография. – Т.: 2021. – Б. 36



хужжатларни бериш, хорижга чиқиш учун хужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш, доимий ва вақтинчалик прописка олиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш, манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини таъминловчи электрон тизимни йўлга қўйилди.

Ушбу қарори билан миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги асосий йўналишларини амалга ошириш Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди:

биринчидан – миграция ва фуқароликни расмийлаштириш республика, ўрта ва қуйи бўлинмалари фаолиятини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тартибни ўрнатиш, бунда уларнинг асосий вазифалари ва функциялари аниқ белгиланиши ва тақсимланиши, раҳбарлар ва ходимларнинг зиммаларига юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажариши учун шахсий жавобгарлигини назарда тутиш;

иккинчидан – аҳолини паспортлаштириш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш, кириш ва унда бўлиш, фуқароликни қабул қилиш, йўқотиш ва фуқароликдан чиқиш, сиёсий бошпана бериш жараёнларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогноз қилишнинг таъсирчан, соҳа фаолиятини самарали режалаштириш ҳамда ташкил этишни таъминловчи механизмларини жорий этиш;

учинчидан – миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ходимлари ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида, шу жумладан айрим ҳолатларда навбатлар таъсири остида вужудга келадиган коррупция ва ваколатни суиистеъмол қилишга барҳам бериш;

тўртинчидан – паспорт тизими қоидаларини бузиш, ноқонуний миграция фактларига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни комплекс ўрганиш асосида уларнинг олдини олиш ва аниқлаш ҳамда барҳам бериш тизимини такомиллаштириш;

бешинчидан – паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш, мазкур соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро келишувларни амалга ошириш масалаларида вазирлик ва идоралар билан узвий фаолияти йўлга қўйиш;

олтинчидан – хорижий, аввало Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тез-тез бўладиган давлатларда миграция соҳасидаги қонунчиликни тизимли равишда ўрганиш, ташқи миграция ҳолатини доимий таҳлил қилиш, мамлакат фуқароларига қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро шартномаларни тузиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

еттинчидан – давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффофлигини таъминлаш ва тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган



замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўз фаолиятида кенг қўллаш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш.

Юқорида келтирилган вазифаларнинг аксарият қисми ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш **бўлинмалари** зиммасига юклатилган. Мазкур ҳужжат асосида Вазирликнинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш

бўлинмалари фаолиятига давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда паспорт тизими масалалари бўйича фуқаролар қабулини тартибга солишнинг “бевосита алоқа қилинмайдиган мулоқот шаклини таъминловчи” электрон тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПФ-5528-сон “Ўзбекистон республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан хорижга

чиқиш учун рухсат ёзув стикерини расмийлаштириш амалиёти ўрнига фуқароларнинг хорижга чиқиш биометрик паспортининг жорий этилди, бу эса ўз навбатида фуқароларнинг хорижга эркин чиқиши ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқидан фойдаланиш жараёнларини янада соддалаштирди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сонли “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низоми тасқдиланди, унда бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-картага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида Президентининг (29 май 2017 йил) “Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5060-сонли фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга (Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини инобатга олган



ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормаларига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ сиёсий бошпана берилиши тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Унга асосан Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана ўзининг фуқаролиги бўйича мансуб давлатда ёки доимий яшаш жойида ижтимоий-сиёсий фаолияти, диний эътиқоди, ирқий ёки миллий мансублиги учун таъқиб қилинаётган ёки таъқиб қилишнинг жабрланувчиси бўлишига реал таҳдиддан, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бузилишининг бошқа ҳолатларидан бошпана ва ҳимоя излаётган шахсларга ва уларнинг оила аъзоларига берилиши белгиланди.

Давлат раҳбарининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон фармони билан ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари тубдан қайта кўриб чиқилиб, унга *ташқи миграция ҳолатини доимий таҳлил қилиш, сиёсий бошпана бериш бўйича масалаларни кўриб чиқиш ҳамда мониторингини бевосита амалга ошириш* вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-

сон фармони билан тасдиқланган 2018-2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, “ягона дарча” тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига 1) прописка қилиш, пропискадан чиқариш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш; 2) вақтинча яшаш (прописка) учун рухсатномаларни бериш ва муддатини узайтириш каби давлат хизматларининг киритилганлиги бу соҳадаги муаммоларни ечишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон қарори билан доимий ёки вақтинчалик прописка, турган жойи бўйича ҳисобга олишда талаб этиладиган барча ҳужжатларни *“нотариал тасдиқлаш”* талаби бекор қилинди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПФ-5156-сон фармони билан чет элга чиқиш ҳуқуқининг *хорижга чиқиш паспорти* ёрдамида кафолатланиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6065 фармони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси тўғрисида Низоми тасдиқланиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга



чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4079-сон қарори билан республиканинг мавжуд биометрик паспорт тизими инфратузилмаси негизида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этилди.

Бундан ташқари ҳозирда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек устувор тамойилни амалга ошириш энг муҳим стратегик вазифа бўлиб қолмоқда. Бу эса ушбу соҳа ривожини учун зарур бўлган, ўтган йилларда лозим даражадаги эътибордан четда қолган туризмдек муҳим йўналишни чуқур ислоҳ этишни тақозо этди.

Биринчи навбатда хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, мамлакатнинг бой табиий, маданий ҳамда тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига давлатни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай

шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон фармони қабул қилиниб, ушбу ҳужжатга мувофиқ 2018 йил 10 февралдан бошлаб 7 та (Исроил, Индонезия, Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия, Япония) давлат фуқаролари учун 30 кунлик муддатга визасиз режим, 39 та давлат фуқаролари учун икки иш кунда соддалаштирилган тартибда виза расмийлаштириш тизими жорий этилган. Бундан ташқари қабул қилинган қарорлар натижасида (ҳукуматнинг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори билан) мамлакатга ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни электрон ҳисобга (рўйхатга) олиш тизими ҳам йўлга қўйилди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сон қарор асосида 2018 йил 1 майдан транзит бўйича ҳаракатланаётган хорижий йўловчиларга келишлари билан 72 соат муддатга кириш визаларини бериш тартибининг жорий этилганлиги; 2018 йил 4 июлдаги “Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши тартибини оптималлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3836-сон қарори билан 101 та давлат фуқаролари учун беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга визасиз кириш ва вақтинча бўлиш ҳуқуқининг берилганлиги республикага туристлар оқимини кўпайтириш, туризмни миллий иқтисодиётнинг



муҳим тармоқларидан бирига айлантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сонли фармони билан Ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган, унга асосан маънавий-маърифий ишлар, ходимларни узлуксиз тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарадор механизминини сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этиш: жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этиш йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат

хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон (2021 йил 2 апрель) қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021 йил 29 ноябрь) ПФ-27-сонли фармони билан жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” тасдиқланди, унда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солишда, жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларининг вазифалари, шу жумладан ички ишлар органларининг долзарб вазифалари ҳам белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонида бугун миграция соҳасидаги мутлақо янгича ёндашишларни кўршимиз мумкин.



Ушбу фармон билан тасдиқланган Давлат дастурига асосан (86-мақсад) миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш, ноқонуний ташқи меҳнат миграцияси ва одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижга чиқувчи шахсларни хар томонлама қўллаб қувватлаш, уларни ўқитиш, реинтеграция қилиш, хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар ҳақ-хуқуқларини таъминлашда манзилли кўмак кўрсатиш тизимини

жорий бўйича устувор йўналишлар бўлганиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг фаолиятини тартибга солувчи, ушбу фаолиятнинг механизмини белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари бўлиб, уларда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш, ташкил этиш ҳамда бошқа масалалар ҳуқуқий тартибга солинган.